

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги платформалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда аккредитив бўйича ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон тижоратнинг "Очик рақамли экотизими" ахборот тизимлари мажмуасини (кейинги ўринларда – Рақамли экотизим) 2022 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга тушириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қосидаги Рақамли трансформация маркази (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Марказ зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

Рақамли экотизимни шакллантириш ва унинг оператори функцияларини бажариш;

мулкчилик шаклидан, идоровий ва тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, электрон тижорат платформаларига ўзининг миқозлар базасидан тенг фойдаланиши ҳамда уларга хизматлар кўрсатиши учун шароитлар яратиш;

Рақамли экотизимнинг "эскроу" тизими функцияларини бажариши муносабати билан битта шахсий ҳисобварақдан ҳисоб-китоблар ва тўловлар ҳамда томонларнинг шартнома мажбуриятлари кафолатли (аккредитив тамойили бўйича) бажарилишини таъминлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформаларида товарлар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт. Бунда, нархи кўрсатилмаган товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича битимлар тузишга йўл қўйилмайди;

2024 йил 1 январга қадар Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформалари операторлари учун фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади; товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун, улар Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337 ва 467-моддаларига мувофиқ фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади.

Молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Электрон тижоратнинг "Очик рақамли экотизими"ни ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Марказ Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар Рақамли экотизим орқали солиқ органларига реал вақт режимида маълумотларни узатиш имконини берувчи электрон маълумотлар базаларининг ўзаро интеграциясини таъминласин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор мазмун ва моҳиятининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг тушунтирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 17 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон – Қозоғистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликни илгари суриш, энг аввало, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, машинасозлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги,

транспорт ва логистика, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа устувор йўналишларда узоқ мuddатли кооперация лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувини фаоллаштириш

муҳим экани қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматлари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва аниқ дастурлари ишлаб чиқиши юзасидан келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини ҳам кўриб чиқдилар. **ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибдорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ғалла етиштириш ва сотишдаги инвестициявий жозибдорликни оширишга қаратилган қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

ички бозорни ғалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб республика ҳудудида экишга тавсия этилган бугдой навларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил жойлаштириш;

2022 – 2024 йилларда ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари етиштирган ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар суғориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан бугдойни эркин биржа савдолари орқали, қолган қисмини тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига ажратиш;

ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини бериш.

(Давоми 2-саҳифада)

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бўка тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бош мутахассиси Хусниддин Неъматовнинг маълумотига кўра, тумандаги мавжуд 42 та маҳаллада жорий йилда имтиёзли кредит асосида 231 та иссиқхона қурилган. Тумандаги Хўжақўрғон маҳалласида яшовчи Фахриддин Тошхўжаев асли касби сартораш бўлсада, деҳқончиликка меҳр қўйганлардан. Дарвоқе, иссиқхонасида парваришлайётган 30 туп лимонзоридан мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Иссиқхонадаги ҳосилни кўриб, қилинган меҳнат самараси чакки эмаслигига гувоҳ бўласиз.



НАМАНГАННИНГ ЯНГИ "ЯШИЛ МАКОН"ЛАРИ



"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича эълон қилинган "долзарб 40 кунлик" кўчат экиш ташаббуси наманганликлар томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича эълон қилинган "долзарб 40 кунлик" кўчат экиш ташаббуси наманганликлар томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Бунёд этиладиган боғлар, кўкаламзорлаштириладиган ҳудудлар рўйхати ва бажариладиган ишлар салмоғи ҳисоб-китоб қилинди. Аниқ режа ва тадбирлар белгиланди. Илк кундан вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов бошчилигида нуруний ва ёшлар, ташкилот, муассаса, корхоналар жамоалари, МФЙлар аҳли белни боғлаб ҳашарга оланди. Улар умуммиллий лойиҳа ижроси доирасида жорий йилнинг куз ва 2022 йилнинг баҳор ойларида вилоятда 15 миллион 397 минг тупдан ошиқ каштан, лола, липа, оқ қайин, дуб, япон сафораси, катальпа, ясенё, қайрағоч, павлония, терак, заранг, акация, чинор, тут, жийда, ёнғоқ, беҳи, узум, арча, гул кўчатлари ва қаламчалар экишни эзгу мақсад қилиб олган. (Давоми 2-саҳифада)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНМОҚДА

Ташкил қилинганида Ўзбекистоннинг кўзга кўринган давлат арбоби Файзулла Хўжаев номи билан аталган, бу улуг инсон қатоғон қилинганидан сўнг рус шоири Пушкинни ардоқлаган ва айни пайтда туманимизнинг фахри бўлмиш аллома олим Убайдулла Уватов исми-шарифи билан юритилиб келинаётган туманимизнинг 1-сон давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида Янги Ўзбекистонни барпо этишга сидқидилдан киришилди. Айни пайтда 2150 нафарга яқин ёш авлод вакиллари таълим олаётган бу даргоҳда ўз касбининг фидоий усталари меҳнат қилиб келишмоқда

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

Бу мактабда азал-азалдан бошланғич таълимга катта эътибор бериб келинган. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" Абдурахмон Азизов, "Шухрат" медали соҳиби Сафия Алиқуллова, олий тоифали ўқитувчилар Одила Магомедова, Ҳафиза Муҳиддинова, Эшбўри Рустамов сингари ўқитувчиларни мактабни тамомлаб кетган собиқ ўқувчилари ҳамон фахр билан ёдга оладилар. Мурғак болалар дастлаб мактабга қаддам қўйган уларда билимнинг пойдевори қўйилмайдиган бошланғич таълим қанчалар муҳим эканлигини англаган ёш ўқитувчи Лола Усмонова педагогик фаолиятининг катта қисмини шу соҳага бағишлади. Мактабга ўттиз йил раҳбарлик қилган "Шухрат" ме-

дали соҳиби, устози Тамара Расулова бошчилигида мактабда бошланғич таълимни ҳар қачонгидан юқори даражага кўтаришди. Ўқувчилар саводхонлигини оширишда болаларни ҳали мактабга қадам қўймасдан таълим олишга тайёрлаш йўллари кидирдилар. Бунинг учун ўқитувчилар билан биргаликда ота-оналар ва мактабга таълим муассасалари билан алоқани кучайтирдилар. Ҳамкасбларининг билимларини ошириш, илгор тажрибаларини ўрганишга яхши шароит яратилганлиги туфайли Шохиста Ортиқова, Гулбаҳор Бердиева, Феруза Казакова, Лола Қулматова, Нилуфар Иватова сингари ўқитувчиларнинг номлари туман ўқитувчилари орасида танилдилар.

Мактабда очик дарслар ташкил қилиниши, методик бирлашма фаолиятини кучайтириш, ўқитишнинг янги услубларидан самарали фойда-

ланиш нафақат ўқувчилар билимини оширди, балки уларга дарс берувчи ўқитувчиларнинг ҳам бугунги замон талаблари даражасида ишлашга ундади. Таълимнинг турли қирраларини эгаллаган Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони соҳиби Лола Усмонова устози нафақага чиққан унинг ўрнини эгаллади. Бугунги кунда мактаб жамоасига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келишида айнан бошланғич таълим соҳасида тўлган тажрибалари кўл келмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БЕШ ТАШАББУСИ ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришни янада кучайтириш бўйича Юртбошимиз бешта ташаббус эълон қилдилар. Мактаб жамоаси уларни чуқур ўрганиб ҳаётга тадбиқ этишга киришдилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини "on-line" тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформа ишга туширилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишмиш ҳолда календарь йилнинг 1 августига қадар бугдойнинг келгуси йил ҳосили учун қутилиётган индикатив нархи оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминласин.

3. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси 2022 йил 1 январга қадар Жамғарма томонидан ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун биржа савдоларидан бугдой сотиб олиш ва уни биржада сотиш тартибини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Жамғарма номидан биржа савдоларида бугдой сотиб олувчи тижорат вакилини белгилаш ва танлаб олишнинг аниқ ва шаффоф мезонлари; тижорат вакили танловида "Ўздонмаҳсулот" АК тизими корхоналари билан бир қаторда ҳудудларда донни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланётган бошқа тadbirkorлик субъектларига тенг шaroит яратилиши; тижорат вакили Жамғарма номидан харид қилинган бугдой учун ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар эканлиги;

тижорат вакили Жамғарма топширигига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида ер участкаларига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтган галлачилик кластерлари ва фермерлардан биржа орқали бугдой сотиб олиши;

тижорат вакилининг бугдойни харид қилиш, сақлаш, табиий камайиш, ортиш, ташиш ва давлат захирасини янгиллаш бўйича харажатларини қоплаб бериш; ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш учун харид қилинган бугдойнинг Жамғарма томонидан биржа савдоларига чиқарилиши;

нархларни сақлаб туриш мақсадида бугдойни сотишдан олинган ижобий ва салбий фарқларни қоплаш тартиби кўзда тутилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агро-

саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси календарь йилнинг:

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларида кўйиладиган бугдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимидаги тақсимотини ҳамда бугдойни сақлашга мос ёпиқ сиғимларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юртувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1 августига қадар етиштирилган бугдой миқдори ва ички бозорда бугдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча бугдой харид қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг календарь йилнинг май-август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, суғориладиган майдонларда галла етиштирувчи барча субъектлар томонидан галла экилган ҳар гектар майдон хисобига республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан галланинг биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

6. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошқоқли дон етиштиришда агротехник тadbirkorликни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга; ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

б) бугдойни сотиш жараёнига, шу жумладан, шартномалар тузишга, хўжалиқларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи маълум қорхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга;

в) галлачилик кластерлари фаолиятига қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўшиб тўғрисида қатъиян таққишларни.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021 - 2022 йилларда "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги дон қорхоналарини галлачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тadbirkorлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартда очиқ савдоларга қўйиш;

"Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги дон қорхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу қорхоналарнинг солиқ ва Жамғарма

олдидаги қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инobatта олган ҳолда) объектни баҳоланган қиймати миқдorigа камайитириш хисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объектлар "Ўздонмаҳсулот" АКдаги давлат улуши ва "Ўздонмаҳсулот" АКнинг дон қорхоналаридаги улушини тегишчан камайитириш хисобига берилди.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги қорхоналар тadbirkorлик субъектларига сотилгандан сўнг, "Ўздонмаҳсулот" АКни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар барча туманлар марказий деҳқон бозорларидаги бугдой ва бошқа асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини "on-line" тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни, шу жумладан, бошқоқли доннинг экилиши, унинг ривожланишини учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин;

"Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда унинг ҳудудий бўлинулари томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларнинг вегетатив ҳолатини учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйиш;

"Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институтининг "Ер ахборот тизими" порталда қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан, тақрорий ва тўқсонбости усулида етиштириладиган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани

шакллантирсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги билан биргаликда бошқоқли дон етиштириладиган майдонларда зараркунандлар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувни ташкил этсин, хўжалиқлар томонидан экинларни химоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавқулдда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар хисобидан экинларни химоя қилиш таъминлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжалиқлар томонидан бажарилиши юзасидан зарур чора-тadbirkorликларни амалга оширсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда галла етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича "Йўл харитасини"ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Бошқоқли дон етиштириш, сотиш ва бугдой нархининг шаклланиши бўйича мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта қўриб чиқиш қатъиян ман этилсин.

15. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бериш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини битирувчиларнинг барчаси қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 15 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ



НАМАНГАННИНГ ЯНГИ "ЯШИЛ МАКОН"ЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Айниқса, Давлатобод туманининг Юқсалиш, Тўрақўрғон туманининг Еттиқон маҳаллалари ҳудудидан "Янги Наманган" шахрини бунёд этиш учун ажратилган 1 минг 371 гектарлик майдондаги қўчат экиш ҳашари байрамона тус олди. Унинг иштирокчилари ушбу ҳудудда барпо этилажақ 65 гектарлик "Янги Ўзбекистон боғи" лойиҳаси тақдими билан ҳам танишдилар. Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразақовнинг таъкидлашича, бу замонавий шаҳар 2026 йилга бориб тўлиқ барпо қилинади. Ўз бағрида бир миллион нафар



аҳоли истиқомат қиладиган "йирик ва яшил шаҳарга айланади. "Долзарб 40 кунлик" вилоятнинг Тўрақўрғон туманида ҳам жадал амалга оширилади. Тўрақўрғон - Мингбулоқ автоўлининг икки четига барпо қилинган массив ҳудуди қўқаламзорлаштирилади. "Шоҳидон нури дийёр" массивида тadbirkor Абдуғани Қозоқов томонидан 50 гектар майдонда 4,5 миллиард сўм қийматдаги боғ ва ўрмон ташкил қилинмоқда. Янги яшил маконга 175 минг тул мева ва манзарали, меҳебон қўчатлар ўтқазилиши режалаштирилган.

Айни кунларда Норин туманидаги "Зебинисо Рустомова" фермер хўжалигида етиштирилган 2 миллион тул тул қўчатлари экиш ишлари олиб бориляпти. "Қосонсий фарм" эркин иқтисодий зонасида, Наманган туманидаги "Етти булоқ" истироҳат боғида, Учқўрғон туманидаги 6 гектарлик "Яшил макон" ва Катта Фарғона канали соҳилида ташкил этилаётган 8 гектарлик боғ ва узумзорда, Чўст туманидаги 22 гектарлик ҳудудда, Поп тумани "Миришкор" массивидаги 5 гектарлик, Янгиқўрғон туманидаги 6,5 гектарлик майдонда, қўйинги, вилоятнинг барча ҳудудларида қўчат экиш, яшил маконлар яратиш ишлари авжида.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Авваламбор бунинг учун мактабда яхши шaroит яратиш лозимлигини англаб етган ўқувчилар, мактаб раҳбарлари ва жамоанинг бошқа аъзолари ишга масъулият билан ёндашишди. Айниқса, бутун дунё аҳлига офат бўлиб ёғилган пандемия шaroитида таълим сифатини юқори даражада ушлаб туриш, ўқувчиларни таълимдан беэдириб қўймайлик жуда оғир масала бўлди. Мактабдаги барча ўқувчилар хонадонлардан чиқа олмай қолган ўқувчиларга онлайн тарзда дарс беришга мажбур бўлишди. Бунинг учун ёлпасига компьютерлардан фойдаланиш, интернет тармоғи имкониятларини самарали қўллаш талаб этилди. Натижада фақатгина ўқувчилар эмас ота-оналар ҳам болалари билан қўшилиб дарс тайёрладилар, бажарган топшириқларини ўқувчиларга онлайн тарзда узатиб турдилар.

ИНФОРМАТИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ БАРЧАГА ҚўМАҚЧИ

Мактабнинг солиқ ўқувчиси Азамат Мавлонов ўзи таълим олган масканга ўқитувчи бўлиб қадам босганида устозларидан олган чуқур билими туфайли тезда жамоага киришиб кетди. Олий ўқув юртида тиришқоқлик билан ўқиганлиги ва ўз устида тинмай ишлаб билимини ошириб борганлиги туфайли ўқувчиларда математика ва информатика фанларига қизиқишни ошира олди. Бугунги кунда мактабда учта компьютер синфи ўқувчиларнинг талабини тўлиқ қондира олади. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини

оширишда А.Мавлонов фақатгина дарс жараёнида эмас, тўғарақ машғулотларидан ҳам фойдаланиб келмоқда. Айни пайтда унинг тўғарақларида етмишдан ортиқ ўқувчилар иштирок этадилар. Дарс ўтишда компьютер техникасидан умумли фойдаланиш устида тинмай иш олиб борган ёш ўқитувчи бора-бора бутун республикага танилди. Мамлакатимизда ҳар йили информатика фани ўқитувчилари орасида ўтказиб келинаётган танловларда фаол иштирок этиб келади ва уларда албатта бирор совринни қўлга киритади. Бугунги кунда ўзининг тиришқоқлиги, турли кўрик-танловларда Республикада 1-2 даражали дипломларни қўлга киритган Азамат Мавлонов Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

КУТУБХОНА БИЛИМ МАСКАНИ

Айни пайтда мактаб кутубхонасида 6 ярим мингдан ортиқ китоб фонди яратилган. Шу соҳада 43 йилдан ортиқ меҳнат қилиб келаётган Мунаввар Норпўлатова фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишини оширишга интилиб келмоқда. Ўз касбига меҳр қўйган фахрий кутубхоначи ўтган ўқув йилида "Китобхон мактаб" танловида фаол иштирок этгани учун вилоят

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТАНАСИДАН БОШЛАНМОҚДА



халқ таълими бошқармаси томонидан тақдирланди. Мактабда ҳар бир ўқувчининг бир ҳафтада битта китоб ўқиши талаб қилиб келинмоқда. Ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқишларини оширишда ота-оналарнинг ибрат кўрсатиши катта аҳамиятга эга. Буни ҳисобга олган мактаб раҳбарлари китоб акцияларини мунтазам ўтказиб келади. Ҳар йили ота-оналар ўз фарзандларига ўнлаб бадий, илмий-оммабоп китоблар сотиб олиб беришадилар.

ИЛМГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР УЧУН СИНФ

Жорий ўқув йилида мактабнинг 11-синф битирувчиларидан 60 на-

фари ОТМ талабалари бўлишди. Умумтаълим мактабларининг ҳамма ўқувчилари ҳам ихтисолаштирилган ўқув даргоҳларига бориш имкониятига эга эмаслар. Халқ таълими вазирлиги шуни ҳисобга олиб 2019 йил 28 декабрда вариатив ўқув режаларини тажрибадан ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Мактабда ушбу буйруқни ижро қилиш учун ташкил қилинган синфда бу йил илк битирувчилар ўзларининг билимларини олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида синаб кўрдилар. Вариатив таълим олган мактабнинг 11-А синф ўқувчиларининг барчаси, яъни 28 нафари шу йилнинг ўзида олий ўқув юрти талабалари са-

фидан ўрин олди. Таълимнинг янги режаси асосида ўқувчилар билимини ошириш учун ўқитувчилардан ҳам катта тажриба талаб қилинади. Мактабда бунинг учун имкониятлар борлиги ва раҳбарларнинг талабчанлиги сабабли тажриба муваффақиятли амалга оширилмоқда. 11-А синф раҳбари Г.Бўриева, математика ўқитувчиси Ҳ.Нурманова, инглиз тили ўқитувчиси Б.Нарзиевларининг фидойилиги туфайли битирувчиларнинг барчаси синовларда юқори натижалар кўрсатиб талаба бўлишдилар. Ўтган ўқув йилида яхши самара берган таълимнинг бу услубига ота-оналар ва барча ўқитувчилар ҳам қизиқиш билан қарамоқда. Бундай синфларни ташкил қилиб, уларда дарсларни тўғри йўлга қўйишда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари Ҳамдам Жумақулов ва Райхон Ражабовларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА

Бугунги кунда ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда таълим беришга эътибор қаратилмоқда. Ешлигидан қайсидир фанни ўрганишга қизиққан ўқувчилар бўлса мактабда уларни бошқа

ихтисослашган таълим даргоҳларига бориб ўқишлари учун имконият ярати берилди. 2020-2021 ўқув йилида мактабнинг 25 нафар ўқувчиси тумандаги бошқа ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида, Қарши шаҳридаги ва Бухоро вилоятидаги махсус мактабларда ўқиш истагини билдирдилар. Айни пайтда улар шу таълим даргоҳларида билим олишмоқда.

Янги ўқув йилида Қарши шаҳрида Президент мактабининг очилиши ўқувчи ёшлар учун яна бир катта имконият ярати берди. Мактабнинг уч нафар ўқувчиси синовлардан муваффақиятли ўтиб Президент мактаби ўқувчилари сафига қабул қилинди. Уларни синовларга тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорликда ўқитувчилар катта меҳнат қилдилар.

Ўқитувчилар кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ўттиз йилликка ўттиз мукофот" деб номланган кўрик танловда мактаб ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Видеодарслар, дарс ишланмалари тайёрлашда янгиликларни ишлаб чиққан ўқитувчилар "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Келажатимиз эгалари бўлиши ёш авлодни тарбиялаб, уларга чуқур билим бериш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган жамоа янги зафарлар сари интилмоқда. Хусниддин НУРИДИНОВ

Ҳар гектар ердан 430 центнердан ҳосил қовлаб олинмоқда.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Бир муддат аввал Европа иттифоқи гранти асосида Жалакудук туманидаги “Тоҳиржонов Умиджон даласи” фермер хўжалигида Франция технологияси асосида баҳорги ва кузги картошка етиштириш бўйича тажрибалар олиб борилган эди. Тажрибага масъул бўлган франциялик Мишель Фале маҳаллий деҳқонлар билан бирга ишлар экан, мазкур ҳудуднинг табиати картошка етиштириш учун қулайлиги алоҳида эътибор бергани ҳолда фермерларни нав танлашга эътиборини қаратганлиги ўзаро ҳамкорликнинг давомийлигига хизмат қилмоқда.

Ҳамкорлик ва натижа



“Иккинчи нон” етиштириш имкониятлари кенг

Хўжалик раҳбари Умиджон Тоҳиржонов хорижлик ҳамкор билан интернет орқали мулоқотда бўлиб, картошка етиштириш сир-синоатларини ўзлаштиришни қанда қилмаяпти. Айни вақтда уруғлик картошка айрибошлаш боис Жалакудук туманида “Иккинчи нон” етиштириш имкониятлари кенгайиб бораётди. Жорий йилда 1 минг 560 тонна “Спунта” навли уруғлик картошка олиб келинди ва галла майдонлари ўрнига экилди. Бир неча кундирки,

мазкур ҳудудда картошка йиғиштириш қизгин бораётди. Ташаббускор фермер 31 гектар майдонда такоррий экин сифатида картошка парвариш қилди ва натижа ҳавасга арзигулик даражада бўлаётди. Яъни, ҳар гектар ердан 430 центнердан ҳосил қовлаб олинмоқда.

Демакки, келгуси йил баҳоридан ва ёзда зарур бўладиган уруғлик захираси барқарор бўлади. Бу қадар натижалар яна ўнлаб фермер хўжаликларида қайд этилаётганлиги ҳам эътиборли.

Чунончи, “Қорапўлат тонги”, “Оқбўйра ирригацияси” ва яна бошқа қатор фермер хўжаликларида ҳам кўп йиллардан буён кузатилмаган натижалар намоян бўлди.

Сир эмаски, анча йиллардан буён томорқачилар, касаначилар ва фермерлар картошка уруғи борасида қийинчиликларга дучор бўлишаркан эди. Бу йил туман миқёсида айнан Франциядан келтирилган уруғлик картошка парвариш қилинган майдон 511 гектарни ташкил этди. Демак, наинки Жалаку-

дукда, қолаверса вилоятда уруғлик картошка борасидаги муаммо бартараф бўлади.

Фермерларнинг сўзларига кўра, франциялик агроном эътиборни алмашлаб экишга қаратишга ундамоқда. Унинг айтишича, тупроқ беҳисоб вируслар тарқалиши эвазига ҳасталанмоқда. Бунинг учун эса агрокимё таҳлили мунтазамлик касб этиши шарт. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳам ҳосилдорликнинг сифатли равишда юқори бўлишига хизмат қилади. Мазкур йўна-


лишда бир гектар майдонда ёмғирлатиб сугориш усули тарғибот учун ишга туширилган. “Гулбаҳор” массивида фаолият кўрсатаётган фермерлардан бири бўлмиш Дилшодбек Зоҳидов бир гектар майдонда янгиликни қўллаб адир шароитида 300 центнердан ҳосил етиштирди. 2022 йилда ёмғирлатиб сугориш усулида 40 гектар майдонда картошка парвариш қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Реклама хуқуқи асосида

“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигига кўра, “Ипотека-банк” АТИБ акциялари назорат пакетининг ОTR банкка сотилиши банк рейтингларига таъсир кўрсатмайди

Жорий йил 2 ноябрда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган пресс-релизга кўра, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкида Ўзбекистон ҳукуматининг мажоритар улушининг Венгриянинг ОTR банкка сотилиши банк рейтингларига таъсир кўрсатмайди.



Агентлик таҳлилчиларининг фикрича, банкнинг ҳозирги “ВВ-” даражада “Барқарор” истиқболдаги рейтинг давлатнинг мажоритар акциядорлиги, тизимда муҳим аҳамиятга эгаллиги, бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатда роль ўйнаши, тарихан давлат томонидан банкнинг капитал ва ликвидлиги қўллаб-қувватланиши асос бўлган. Шунингдек, банкнинг ипотека ва кичик бизнесни кредитлашдаги тизимли салоҳияти, капиталнинг мустақкам буферли ва мўстадил даромадлилик факторлари эътиборга олинган.

Шунингдек, “Банкнинг бошқарув улуши ОTRга сотилган тақдирда, Fitch Ипотека-банкка рейтинг берилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш омилини ҳисобга олишни тўхтатади, бироқ бу ҳолатда ОTRнинг эҳтимолий кўмаги инобатга олинади. Fitch ОTRнинг қўллаб-қувватлаш салоҳиятини юқорироқ ва камда Ўзбекистоннинг “ВВ-” даражасида баҳолайди. <...> Fitch, Ипотека-банк хусусийлаштирилган тақдирда, янги акциядорнинг банкни қўллаб-қувватлашга мойиллигини баҳолайди, агентлик базавий сценарий бўйича қўллаб-қувватлаш юқори бўлишини кутмоқда.” - дея қайд этилади “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги пресс-релизида.

Қайд этиш лозимки, 2021 йил 30 июлда Fitch Ипотека-банкнинг рейтингларини “ВВ-” даражасида “Барқарор” истиқболда баҳолаган ва банк рейтингига таъсир кўрсатуви асосий омилларни келтириб ўтган (www.fitchratings.com).

Ипотека-банк ахборот хизмати

Аҳолини рўйхатга олиш – умумдавлат миқёсидаги тадбир

Мазкур қонун аҳолини рўйхатга олиш бўйича мустақиллик йилларида қабул қилинган илк қонун бўлиб, ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023-йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилнинг 1-25 ноябр кунлари ўтказилади. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш жараёни ва барча меъёрий ҳужжатларни синовдан ўтказиш мақсадида айни кунларда республикамизнинг белгиланган ҳудудларида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, 11 ноябрдан Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида уйма-уй юриб, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари бошланди. Мазкур синов жараёнлари республикамизда 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олишнинг асосий тадбирига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилмоқда. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида иштирок этишни хоҳлаган фуқаролар суҳбат асосида танлаб олинди, шартнома асосида вақтинча ишга жалб этилди.

Бахтиёр БОЙМУРОДОВ, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

Аҳолини рўйхатга олиш бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Аҳолини рўйхатга олишнинг хуқуқий асоси бўлиб “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни хизмат қилади.



Улар “рўйхатларда йўқ” эди

Улар йигирма бир дона эди. Ҳар куни уларнинг қаторини кесиб, катта йўлга чиқардим, ҳар куни улар мени кузатиб кўярдигуё. Ва ишдан кейин ҳам уларнинг вазмин қатори аро юрар, ажиб хушқайфият ва энгиллик билан уйга шодон қайтардим. Бу бўйи кўкка ўрлаган бақтирактарлар менинг болаликдаги хотираларим каби қадрдон ва дилдош, уларнинг овозсиз суҳбатларидан олисдаги қишлоқ, қайтмас болалик соғинчи, йилларнинг бўйибастии ва улғайиш манзили кўриниб, унсиз шивирлаб тургандек бўларди.

Серёмғир кунларнинг сирасида (наҳот!) уларнинг бири қўлаб ётганини кўрдим. Шохлар, бутқоқлар катта автоўйли тўсиб қўйган, бу издиҳомга биринчи дуч келганлар уларни қайириб, из оingan, балки дуч келган ҳайдовчилар уни лаънатлаб (чунки равон йўлини банд қилиб, узала тушиб ётарди-да), ичида сўкиниб ўтиб кетаётгани бор гап эди. Бир кур унга назар ташладим: теракнинг томири пастга эмас, атрофга тарвақайлаб кетар экан; илдизлар орасида ердан кўпган тупроқлар марҳумни сўнгги йўлга кузатаётди, видео айтаётган одамлар сингари қадрдон томиларига қалишиб, юпун ҳолда турарди. Мени лол қилган манзара – теракнинг кучоққа сиймас танаси одам бўйи юқоригача чириб борган, оқибатда, бир силкиншига бардош беролмай, гурсса қулаган экан. Унинг ташки гўзаллигига мафтун бўлиб юриб, ичида нима кечаётганидан беҳабарлигим учун ўзимни койигандек бўлдим-да, яна бу сирни билишдан ожизлигимни мушоҳада қилиб, сукут сақладим. Автобус тикчилничада эрталабдан дилни ғашлаган бу манзара тезда унутилди ва бошқа ташвишлар исканжага олди. Шаҳар ҳаёти шундай, ҳар қадамда кескин саволлар ва, албатта, улғурилмаган жавоблар қуршовида асирдек кун бўйи лоҳас юрасан. Кейинги кун қадрдонимнинг хотира-

Шовуллаган оқбардан тераклар қани?

сини эсга олгандек, қулаган теракнинг ўрнини кўздан кечирдим. Бу жой шаҳарнинг силлиқ афт-ангори қаторида ҳатто билиб бўлмас даражада орасталанган, фақат шу жойда азим бир терак борлигини билган ва уни кўнглига туккан одамгана уни қумсаб эсламас, изкувар ҳам топа олмайдиган даражада нишон қолдирмаганди. Фақат менинг кўнглимда бир ўкинч қолди ва, афсуски, у ортиб борди. Орадан кўп ўтмай, яна бири шу аллода қулади, унинг тақдирини ҳам шу тахлит якун топди. Энди мен чуқурроқ изтироғга тушдим ва самарасиз вақтимдан улуш ажратиб, бир кунчи қозғ-қалам билан тераклар қаторига бордим. Йўқ, уларга марсия ўқимоқчи ёки бирор оят ёзиб, танасига илиб қўймоқчи бўлмадим, балки яшаётган ўринларини қозғозга муҳрлаб, уларнинг манзилини “тайин” қилиб, варақча белгилаб қўймоқчи эдим. Назаримда, олин кунларда кимлардир меҳр кўрсатиб, уларнинг ниҳолини қадаш билан улуг келажакни орзу қилган, теракларни шовуллаган да-

рахтларга муҳофиз бўлишини орзулаган эди. Ботинимда бир туйғу гўёки буларга кирон келишини билгандек, уни тўхтатиб қолиш мумкин эмаслигини таъкидлагандек, бор-йўғи уларнинг ўрнини “мих” лаб қўйишга ундарди. Шундай ҳам бўлди. Кўчада янги куриллишлар бошланди, баланд бўйли иморатлар қад кўтара бошлади. Гарчи теракларни атайлаб, белига арра қўйишмаган ёки тракторга тортириб, суғуриб ташламаган бўлсалар-да, бетон тўсинлар, тупроқ уюмлари, қавланган решлар таъйиқда уларнинг рангги ўчиб, бутогой синиб, шохи осилиб, кунпаякун бўла бошларди. Бу таъйиқдан омон қолганларини эса шаҳарда тез-тез бостириб келаётган шамол-довуллар қулатди. Кўриниб қолдики, уларнинг илдизлари аллақачон чириб бўлган экан. Агнаган тераклар ер остидаги томиларини кўкка дўлайиб, илдизлари тарвақайлаб, қўлаб ётар, тезкор цивилизация маромларига тўқинлик қилганликлари учун зумда сариқ либос



кийган мулозимлар етиб келар, бир пасда ҳамма жойни шип-шийдон қилиб, теракни ер ютгандек ундан ҳеч асар қолдиришмасди. Бир қарасанг, аксида одамнинг сурати кўринадиган сопол брусчаткалар қоплаб олган йўлақда барглари сўлжайиб қолган, танасида доғлар бор осмонўпар тераклар анча ғариб туюлар, улар ибтидоий замонларни эсга солгандек бўлар, улардан тезроқ қутилиш шу кунларнинг талабига ўхшарди. Тераклар йўқ бўлиб борар, шу билан кангулдаги қадрдон ҳислар ҳам беғоналашиб, ўрнини янги ташвишлар: смартфон, кондционер, электрплита ва бошқалар эгаллаб олаверарди. Атроф-жавониб эса силлиқлашиб ва, назаримда, қашшоқлашиб бораверарди, лекин ҳеч ким безовта эмас, ҳамма силлиқлар табиий қабул қилинарди. Шу йўсин йигирма бир терак ерга тенг бўлди ва кўча милтиқнинг ўқидек шувиллаган йўлақлар билан “чиroy очди”. Меҳмонлар ва келиб-кетувчилар бу манзарадан беҳабар, билганлар наза-

рида эса гавжум кўча хувиллаб қолганди. Гапнинг нафсиларини айтганда, бундай ҳол кўплаб шаҳарларда кузатилди. “Бир дарахтни кессам, ўрнига ўнта ниҳолни қададим” сингари ўтмишнинг тажрибаларини ҳам ҳеч ким назар-писанд қилмади. Натижа эса узоқ куттириб ўтирмади: 5-8 ноябрь кунлари аномал ҳодиса – кум бурони кузатилди ва унинг йўлини тўсиб қоладиган азим тераклар йўқ эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳали бошлангани. Бу нима? Тамаддун манзарасими ёки одамзотнинг табиатга ўтказётган зугумининг оқибатими? Йигирма йиллар олдин хорижлик меҳмонлар билан ўтказилган мулоқотдан ёзган репортажимга “Дарахтлар Парижда кўпми, Тошкентда?” деб сардавха қўйган эканман. Ушанда, эҳтимол, яшилликка бурканган пойтахтимиз мавқеини кўчма қитъанинг гўзал шаҳарларидан бирига тенг қўйгандирман ва шундай кўргандирман. Ҳақиқатан, бир қарич ер ҳам тансиқ бўлган мегаполис ўз даражасини инсон қўли билан яратилган сунъий гўзалликлар: готик, барокко, классик услубдаги бинолари туйфайли қозонган бўлса, Тошкент табиий гўзаллиги билан ҳар қанча таҳсинга сазовор эди. Бугун аҳвол қандай? Ташуниб бўлмайди, шаҳар ландшафти бутунлай ўзгариб кетди. Бу юмуш қайси меъёрларда ташкил қилинапти? Осмонўпар бинолар шаҳар хуссини очаяпти, шунда осмонўпар чиноларнинг бўйи алас-элас кўзга чалингандек бўлади. Қани улар? Минг йилларнинг юзини кўрган бу бободарахтларга барҳаётлик ёрликларини ҳам ёпиштирилган эди, ҳар бири алоҳида давлат муҳофазасига олингани расман қайд қилинган ҳуж-

жатлар осилганди. Аммо... уларни кесиб ташлашди. Энди ўшандай серсавлат дарахтлар пайдо бўлиши учун минг йил кутишга тўғри келади. Йўл четларидаги, боғлардаги азим дарахтларни кўриб, кишининг раҳми келади: томилари очилиб ётибди, баданлари пўст ташлаган, бетон йўлақларга санчилган, улар қандай озукландади, ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бир пайтлар дарахтларга ишлов берадиган, уларни “даво”лайдиган назорат идоралари бўлган, ҳисобига катта-катта маблағлар ажратилган. Ҳозир ўсимлик ва дарахтлар карантини, муҳофазаси билан шугулланадиган бирон ташкилот борми? Ахир одамлар учун нечалаб шифоҳоналар бўлган шароитда дарахт ва ўсимликлар саломатлиги, умри билан қизиқадиган бирор муассаса бўлиши лозим-ку. Борлиқдаги жами бойликлар инсон учун яратилган ва уларнинг мангулиги учун ҳам инсон масъул. Одамзот қойимлигининг бош сабаби ҳам борлиқни заха етказмай асраб-авайлаш. Худди “Қарс икки қўлдан” дейилганидек, одам “борлиққа зеб бергани сари ўзи ҳам зебонани боравереди”. Бошимизда соғбонимиз, тирикчилигимизнинг устунлари, ҳаёт йўсинимизда беиннат дастёр, бедор посбондек ишончимиз – дарахтларни кўпайтириш, уларнинг касалликларга чалинмай, узоқ ва бақувват умр кўришлари учун гамхўрлик қилиш ҳам одамнинг ўзига қайтадиган яхши амаллардан. Энди сўздан ишга ўтиб, зарур чоралар кўриш, улкамзини яшил либосга бурқаш кечиктириб бўлмас вазифамизга айланди. ҲАЖИМ САТТОРИЙ, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими.

